



BUXORONING JAHON MADANIYATIDAGI O`RNI

**RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI
ONLAYN ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

*2020,
27-aprel*

*KONFERENSIYA
MATERIALLARI*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

**“БУХОРОНИНГ ЖАҲОН
МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ”**

*мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий
анжуман*

МАТЕРИАЛЛАРИ

БУХОРО – 2020

Илмий – амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги № 56-ф сонли фармойиши асосида Бухоро давлат университетида 2020 йилнинг 27 апрель куни **“Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни”** мавзусида Республика миқёсида **онлайн** илмий-амалий анжумани белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Масъул муҳаррир:

БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Ҳ.Ҳ.Тўраев

Таҳрир ҳайъати:

Бухоро давлат университети ректори,

иқтисод фанлари доктори

О.Х.Ҳамидов

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,

иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

доцент

О.С.Қаҳҳоров

Тарих ва маданий мерос факультети декани в.в.б.

Ж.Р.Жўраев

Бухоро тарихи кафедраси мудири в.в.б. тарих

фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ф.У.Темиров

Бухоро тарихи кафедраси доценти,

тарих фанлари номзоди

М.Б.Қурбонова

Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Д.М.Жамолова

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У. – Бухоро тарихи кафедраси мудири в.в.б., т.ф.ф.д., (PhD)

Болтаев А.Ҳ. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мубинов М.А. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

***Илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилаётган
мақола ва тезислардаги матн, манба ва адабиётлар учун
муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар***

ЖАҲОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРКИБИДА “БУХОРОДАГИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТГОҲЛАР, АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ” СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АНАЛОГИК МУЗЕЙ- ҚЎРИҚХОНАЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА УЛАР ОРҚАЛИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Болтаев Б.Б.

БухДУ катта ўқитувчиси

Мустақиллик йилларида республиканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида рўй берган ижобий ўзгаришлар Музей-қўриқхоналарни қайта тиклаш, уларни таъмирлаш ва консервациялаш ишларига эътиборни кучайтириб, янги туристик маршрутлар тизими ишлаб чиқишга йўл очди. Халқаро ва маҳаллий арт-туризмни ривожлантириш, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъати анъаналарини тиклаш учун шарт-шароитлар вужудга келди. Тарихий-маданий мерос ёдгорликларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Замонавий илмий-техникавий, маданий-бадий жараёнлар, музей-қўриқхоналар фаолиятига янгича ғояларни татбиқ этиш асосида музей экспозицияларининг қиёфаси янгиланди. Экспозицияларнинг электрон вариантлари, мультимедиа маҳсулотлари, музей тўғрисидаги маълумотлар Интернет сайтларига жойлаштирилди. Сайёҳларга замонавий ахборот технологиялари асосида музей туризми фаолиятига доир турли мобил иловалардан самарали фойдаланиш ва ижтимоий тармоқлардаги туристлар таассуротлари интерфаол асосда ўрганилиб, таҳлил қилиш имкониятлари яратилди. Хива, Самарқанд ва Бухоро каби музейлаштирилган шаҳарларнинг тарихий марказларини консервация ҳамда реставрация қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда туризмни ривожлантиришга оид аналогик тажрибалар ўтказиш масалаларига қаратилган ўқув семинарлар ташкил қилиниб, маҳаллий ва хорижий туристик фирмалар бошқарувчилари, тадқиқотчи олимлар, музейшунослар ҳамкорлигини кенг йўлга қўйган ҳолда, уларнинг натижалари умумлаштириб келинмоқда.¹

¹ Мухамедова. М.С. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш истикболлари (XX аср II ярми – XXI аср бошлари). 17.00.06 – Музейшунослик; тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси (Автореферат).Т;- 2020 й. 4-6 б

Демак, музей туризмини ташкил этилиши, инновацион ғояларни туризм соҳасига татбиқ этиш йўллари ва усуллари, фандрайзинг стратегияси амалиёти, ПР (паблик релейшнз) дастурлари асосида фондларда сақланаётган ноёб экспонатларни электрон сайтларга киритиш, брендинг, паблисити имижига яратиш жараёнлари асосидаги хорижий тажрибани Ўзбекистон музейлари туристик индустриясига киритиш, бу борада малака ошириш курсларини ташкил этиш давлат сиёсати даражасида ҳал қилиниши лозим бўлган долбзарб масалага айланмоқда.

Дарҳақиқат, замон тақозоси билан музей ва музейшунослик соҳаси ривожланиш тараққиётининг янги пағонасига ўтганлигини даврнинг ўзи исботлаб турибди. Албатта, музейшунослик – жамиятнинг таъсир доирасидаги маърифат, таълим, тарбия ҳамда маданиятнинг умумлашган ривожланиш босқичини ўтовчи соҳасидир. Музейларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг кифасини, экспозициясини халқаро стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаш, замонавий услубда таъмирлаб келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намойиш этиш йўллари бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади¹.

Музейлар нуфузини ошириш, уларни замонавий талаблар доирасида жиҳозлаш, томошабинларни жалб қилиш учун янги усуллари ташкил этиш, илгари намойиш этиш имкони бўлмаган музей фондларидаги буюмларни ҳам намойиш этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда. Юқори технологияларни, экспозицияларни намойиш этишдан ташқари, фонд фаолиятига ҳам жорий этиш масалалари ишлаб чиқилмоқда².

2017 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маданият ва санъат соҳасини янада такомиллаштириш бўйича муҳим қарори қабул қилинганлиги, айниқса, шу йилнинг 3 август куни соҳа вакиллари учун тарихий воқеа бўлганлиги, бунинг сабаби мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев маданият ва санъат вакиллари билан учрашиб, соҳада йиғилиб қолган муаммо ва камчиликларни муҳокамага қўйиб, уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар ҳамда зарур тавсиялар берганлигини эътироф этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Айниқса, музей ходимлари учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 975-сонли қарори катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Айни пайтда маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қатор ибратли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ишларнинг мантикий давоми сифатида Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий,

¹Ҳабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим / Ўзбекистон музейлари истiqболлари. – Тошкент, 2013. – Б.7.

²Альмеев Р. Музей жамғармаларини оптималлаштириш, сақлаш ва кўргазмалаштириш // Мозийдан садо. 2(38) – Тошкент: 2008. Б-2-3.

Фарғона вилоятларида ҳам музей-қўриқхоналар ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш дастурда белгиланган.

Бундай музейлар фаолиятини такомиллаштириш ички ва ташқи туризмнинг ривожланишига олиб келишини. Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномасидаги нутқи орқали: - “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири-бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасига улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланиб, юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти Юнеско рўйхатига киритилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш зарур. Ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозим” - деб, таъкидлаб ўтган эди¹.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 16 февралдаги Бухоро шаҳрига қилган ташрифида вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш концепцияси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб чикди. Бухоро ўзининг бетакрор тарихий обидалари, осори-атиқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий ҳунармандчилик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга. 2018 йилда вилоятда туризмни янада ривожлантириш концепциясига мувофиқ 61 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган эди. Жумладан, Ёғдудон, Шофиркон, Вобкент ва Жондор туманларида қишлоқ туризмини йўлга қўйиш режалаштирилди. Шавкат Мирзиёев эски шаҳар қисмининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари билан танишар экан, ушбу ҳудуд том маънода Бухоронинг юраги бўлиши кераклигини таъкидлади ва ўзининг керакли тавсияларини берди².

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак булар албатта ўз самарасини бера бошлади ва музейшуносликка берилган юксак эътиборнинг самараси ўлароқ мазкур соҳада қуйдаги мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилди:

-музейшунослик соҳасини ривожлантириш, такомиллаштиришга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда музейлар фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари яратилди.

-музей ишини самарали йўлга қўйиш ҳамда музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида жамғарма ташкил этилди.

-мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оммасига намоиш этиш бўйича қатор кўргазмалар жаҳон музейларида ташкил этилди³.

¹ (7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 265-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.04.2019 й., 09/19/265/2858-сон)

² Ш.М.Мирзияевнинг Бухорога ташрифи.//www.google.com

³ Музей ва туризм ривожининг янги босқичлари //www.muzey.uz 5.

Юқорида санаб ўтилган соҳа ривождаги мувофакциятлар Ўзбекистонда музейшунослик соҳасини тараққий этишга мустаҳкам замин яратган омиллардир. Албатта буларнинг барчасига кўплаб машаққатли меҳнат орқали эришилди. Бу ютуқлар ортида ҳукуматимиз ва давлатимиз раҳбарининг амалга ошираётган сайи-ҳаракатларининг аҳамияти жуда ҳам каттадир, чунки ватанимизнинг равнақи ва тинчлиги йўлида турли мамлакатлар билан ўзаро ҳамдўстлик ҳамда манфаатли шартномалар имзоланиб, халқимиз учун кўплаб имкониятлар эшиги очиб берилмоқда, шунинг учун бизлар ҳам бу имкониятлардан оқилона ва кенг фойдаланган ҳолда иш юритиб ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилмоғимиз лозим деб ўйлаймиз.

Истиқболда археологик, меъморий, этнографик, табиий-ландшафт, очиқ осмон остидаги музейлар негизида илмий-маданий сайёҳлик марказлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ва шубҳасиз, уларнинг фаолиятини ўрганиш музейшуносларнинг келажакдаги илмий тадқиқот ишлари доирасидаги асосий масалага айланмоғи лозимдир.

“БОЛОИ ҲОВУЗ” ЖОМЕЪ МАСЖИДИ

*Гадоев Д.Х.
БухДУ ўқитувчиси*

XVIII аср бошларида Регистонда “Болои Ҳовуз мадрасаси” ва “Болои ҳовуз хонақоҳи” қурилган. Болои Ҳовуз” жомеъ масжиди 1712 йилда “Арк” қалъаси қаршисидаги Регистон майдонида қурилган. “Арк” қалъаси Бухоро амирларининг қароргоҳи бўлган.

Масжид қурилиш санаси Аштархонийлар сулоласининг охириги подшоҳи Абулфайзхон (1711-1747) ҳукмронлиги даврига тўғри келади, лекин масжид хон томонидан қурилмаган, балки унинг амалдорлари томонидан қурилган деган тахминлар бор. Абулфайзхоннинг ўзи бу масжидни қура олмасди. Чунки ўша даврда давлат ғазнаси бўшаб қолган эди. Абулфайзхоннинг давомчиси Убайдуллохон катта бой мулкдорлардан катта фоизлар эвазига қарз олиб иқтисодни тиклашга бўлган уриниши давлат иқтисодиётини, қишлоқ хўжалигини бутунлай издан чиқариб юборган ва хон авлодининг обрўсизланишига олиб келган. Бунинг оқибатида катта ер эгалари вазиятдан фойдаланиб кўпгина бойлик ортиришган ва Абулфайзхон уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб қолган. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда масжид хоннинг айнан ўзи томонидан қурилиши имконсиз бўлган.

Бинолардан бирини ўша даврларда халқ “Ситораи Моҳи Хоса мадрасаси”, деб уни бунёд эттирган соҳибаси номи билан аталган экан. Хужжатларнинг бирига форсийда настаълиқ хати билан “Вақфи масжид ва мадрасаи Ситораи Моҳи Хоса дар ҳавзи Регистон”, деб ёзилган. Ушбу вақф

БУХОРО ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ МАКТАБИ	305
Асророва Л. МИРИ ХУРД ВОБКАНДИЙ ШАХСИЯТИ	305
Амонов М.Ў. XVIII-XIX АСРЛАРДА НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ СИЛСИЛАСИНИНГ ЁЙИЛИШИ.....	308
Алимов Х.М. ТАСАВВУФ ВА ЭЪТИҚОД.....	312
Бозорова Н.Х. ВОЗНИКНОВЕНИЕ ТЕОРИИ ВОСПИТАНИЯ И ОБУЧЕНИЯ БАХОУДДИНА НАҚШБАНДИ.....	315
Қосимов У.А. ТАСАВВУФ ПСИХОЛОГИЯСИ ИЗЧИЛ ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ ОРҚАЛИ ЎЗИНИ-ЎЗИ АНГЛАШ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....	318
Норова М.Ф. САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ МАЪРУЗАЛАРИДА ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ МАЪНОЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	321
О.Х.Узоқов. БУХОРОЛИК БУЮК МУТАВАССУФЛАР ВА УЛАР ТАЪЛИМОТИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ВА ТАЪЛИМ ТУРИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ	326
Шавкат Ҳайитов. «ХУШ ДАР ДАМ » ЗИЁСИ.....	329

“БУХОРИЙ”ЛАРНИНГ ИЛМИЙ, ТАРИХИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ, УЛАРНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	332
Madrahimov Z.SH., Aliyeva N. Buyuk alloma imom al-Buxoriy	332
Исломов З.М. Алломалар меросида бухоролик фақиҳлар ҳақида.....	335
Қораев Ш. Халил Султон мажлислари ва Хожа Исматилло Бухорий	339
Nigmatov A.X. Bahouddin Naqshband va uning merosi	343
Sultonova A. Tib ilmi sultonining “Qonun” kitobi haqida.....	346
Эвадуллаев Т. Имомзода Бухорийнинг “Уқудул ақоид” асари – калом илмига оид муҳим манба	348
Саидов Ж. Ж. Ислом маданияти пойтахти бухорийлари	354
З.М.Исломов. Алломалар меросида бухоролик фақиҳлар ҳақида.....	356
Зафар Нажмиддинов. “Саҳиҳ ал-Бухорий” ровийларининг хорижда ўрганилишига қисқа назар	360
Z.Madrahimov, Ra’nohon Olimova. “Al-jome’ as-sahih”- islom olamidagi muqaddas manba	365
Амонов М. XVIII-XIX асрларда нақшбандия-мужаддибия силсиласининг ёйилиши	367

ЖАҲОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРКИБИДА “БУХОРОДАГИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТГОҲЛАР, АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ” СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШ	372
Болтаев Б.Б. Мустақиллик йилларида аналогик музей-қўриқхоналарини қайта тиклаш ва улар орқали туризмни ривожлантириш омиллари	372
Гадоев Д.Х. “Болои ҳовуз” жомеъ масжиди	375